

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

● 2014-yil, 20-mart. Payshanba ● 35 (31.782)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz



Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Азиз юртдошларим, кадрдонларим!
Муҳтарам меҳмонлар!
Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: аини шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшарли ва янгиликнинг рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлиш Наврўзи оламини кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қийслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гузал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш — мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!
Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

Бунинг сабабини аввало Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён халқимизнинг беэвоқ сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳад бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат — аввало кўхна ва буюқ тарихимизга, улуг аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш дегандир. Шу билан бирга, бундай муносабат — узоқ ва

яқин ўтимишимиз давомида, ўта мураккаб давларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадим кўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканлигини беихтиёр чуқур ҳис қиламан.

Аини шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чехрасини намоян этишга интилади.

Шу файзли, шодийна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ тоамлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда бемор-

лар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагидан сақлаб келаётганидан дарак берарди.

Аини шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол берман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминан — ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нима ни истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршилиқлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хошлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам аини шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга раванқ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!
Менинг истагим — мана шу шукухли, тароват сочилиб турган давларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюқ Алишер Навоий бобомизнинг **«Хар кунимиз Наврўз бўлсин!»** — деган тилакларини худди янгитдан қўлимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз,

азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билгани куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очик чехрасига боқиб, айтмоқчиман — барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришинизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб воёга етишинизга қараб халқро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканлигимизга баҳо беради.**

Шунинг учун ҳам биз ўзларимиз, ўз қадр-қимматини, Ватанимиздаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдида баланд марралар кўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянишимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим — Наврўзи олам барчангизга бахордек очилиш, бахт ва омад, севиғи-муҳаббат олиб келиш, энг эзгу орузларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!
Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимизда меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опасингилларимизнинг кўнглидаги пок ниётлари ижобат бўлсин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Қадамнинг қутлуғ келсин, Наврўз!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистонимизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Наврўз мўъжизасини, унинг гузаллиги ва жозибасини кўрмоқчи, англамоқчи, ҳис этмоқчи бўлганлар юртимизга келсин.

Наврўзи олам қалбларимизда энг инжа туйғуларни уйғотади. Инсон онги ва тафаккурида умуминсоний ғоялар мавжланади.

Ўзбек халқи бунёдкор халқ. Бу эл яратувчи эл. У тошларда гулзорлар, боғу роғлар яратади. Бу халқ эзгу ниётлар билан ерга ниҳол қадайдир. Фарзанди, набира, эвраси учун уй қуради. Бешиқ тўй, ховли тўйлар ўтказарди. Яхши кунимга, болаларимга

деб сармоя тўплайди.

Ана шундай бағри бутун, орзулари осмон одамлар яшайди Ўзбекистонда. Тинчликни нон ва имон каби ардоқлайдиган, нафақат ўзи учун, балки бутун дунё учун, тинчлик сўрайдиган бағри кенг, танти инсонлар яшайди Ўзбекистонда.

Наврўз меҳр-оқибат, хайр-саховат, ўзаро ҳурмат, аҳлилик, гамхўрлик, эътибор ва эъзоз тантанасидир.

Наврўзи оламини нафақат инсонлар, балки замин омон, она табиат, жами тириклик интиқ кутади, шодланади, қувончга тўлади.

Боласини севадиган, фарзандини ардоқлайдиган, дилбандини еру кўкка ишонмайдиган, «Болам соғлом бўлсин», «Болам омон бўлсин», «Болам бахтли бўлсин», «Болам улғайсин», «Болам камолга етсин», «Болам ҳеч нарсага зорикмасин» деб яшайдиган ўзбек халқи Наврўзи оламини кутиб оляпти. Унга пешвоз чиқяпти. Қадамнинг қутлуғ келсин, Наврўз!

► Давоми 2-бетда.

Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини янада ислоҳ этишга қаратилган



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Президент Ислам Каримов ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтмоқда.

Қонунчилик палатасининг куни кеча ўтказилган ялпи мажлисида мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан қонун лойиҳаси муҳокамасида Конституциямига киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуриш асосларини янада мустахкамлаш ҳамда давлат бошқарувини босқичма-босқич ислоҳ этишдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

Таъкидландики, қонун лойиҳаси парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, ижро ҳокимияти, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини самарали ҳал қилиш бўйича ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим назорати сезиларли даражада мустахкамламоқда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар юзасидан халқ де-

путатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилиши белгиланаётгани депутатлик корпусининг назоратини янада кучайтириш механизминини яратарди.

ЎзХДП фракцияси фикрига кўра, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган мазкур меъёрлар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг роли, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга доир энг муҳим вазифаларни ҳал қилишда уларнинг иштироки тубдан кучайишига ҳуқуқий шароит яратарди. Бу эса худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини самарали амалга оширишда, эҳтижманд аҳоли вакиллари манфаатлари ҳимояси кафолатини мустахкамлашда, жойларда ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этишда, ниҳоят, парламент ва депутатлар назоратининг таъсирини кучайтиришда муҳим ҳаётий ўрин тутарди.

Бундай меъёрларнинг киритилиши сиёсий партиялардан ўз фаолиятини яратилаётган имкониятларга мос равишда қайта кўриб чиқишни ва депутатлик корпуси фаолияти самарадорлигини янада оширишни тақозо этади.

Ялпи мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Энди масъул кўмиталар сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи томонидан билдирилган фикрларга таянган ҳолда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этишга тайёрлайди.



Қадамнинг қутлуғ келсин, Наврўз!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз тантаналари бўлиб ўтди.



Сарвар УРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ўса) олган суратлар.

Миллий бог байрамона безатилган. Хамманинг кўзида қувонч. Байрам тантаналарига сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, олий ўқув юртлири талабалари, жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди. Тантана иштирокчиларининг гулдўрос қарсақлари янгради. Сўз Президент Ислам Каримовга берилди. Президент ўз табрик сўзида Наврўз халқимизнинг энг қадимий ва асл миллий байрами экани, унинг гоёлариде миллий урф-одатларимиз минг йиллар давомида ардоқланиб сақланиб келаятиганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, «Юртбошимиз халқимиздаги баркиренглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатчилик фазилатлари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган соҳаро ва қарома-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокара билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам аини шундай тил-калони раво кўрсин! »

Миллий бог бўйлаб қарнай-сурнай ва ногоро садолари таралди. Янги кунни тараннум этувчи оҳанглар жаранги, бутун оламга, замину фалакка Наврўз кириб келаятигани ҳақида жар солади.

Саҳна атрофидаги мониторларда юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиши, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзу-ниятларини рўёбга қириши, қишлоқларимизда турмуш даражасини юксалтириши мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самаралари акс этган тасвирлар байрам иштирокчилари қалбига эришилган ютуқларимиздан фахрланиши, ёруғ келажакимизга бўлган ишонч туйғуларини бағишлайди.

Бу йилги Наврўз тантаналарида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадиий-фольклори ва этнографик жамоалари чиқишлари кенг ўрин берилган. Худудларнинг ранг-баранг дастурларида унинг ўзига хос аъёнлари, лапару ўнгалари, рақс, бахшилар айтишувлари ижро этилди.

Ватанимизнинг ҳамма қишлоқ, маҳалла, овул ва шаҳарларида Наврўз умумхалқ сайиллари кенг нишонланмоқда. Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси ҳамма ерда бирдек таъминланмоқда.

Эл эртасининг эгалари

Собир РУСТАМХОНЛИ, Озарбайжон Ватандош ҳамрайлиги партияси раҳбари, Озарбайжон Миллий Мажлиси депутати, Озарбайжон халқ шoirи:

— 2014 йил Ўзбекистонда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Йилнинг эл эртасининг эгаси бўлиш болаларнинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги билан номланиши, бу — Ўзбекистонда ёш авлод бахт ва истиқболга бекиёс эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Биргина Ўзбекистон мактабларида маънавият дари-си ўқитилаётганининг ўзиёқ юртингизда ёшларни ўзбекна рух, миллий қадриятлар, азалий аъёнлар, ўзбекна урф-одатлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради...

Мамлакат, мактаб, муаллим

Ойтош АТАМУРАТОВА, Ўзбекистон халқ ўқувчиси Қашқадарё вилояти:

— Бу йилги Наврўзни ўзгача қувонч, шоду-хуррамлик билан нишонлаёلمиз. 2013 йилда Президентимиз Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон халқ ўқувчиси» унвони билан мукофотландим. Узоқ йиллик меҳнатим эътибор тоғанидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Бир нарсани англадимки, халқига сидқидилдан хизмат қилган одам, албатта, қадрланади.

Ҳозир ўзим ишлаётган мактабда ўндам зиёда ўқувчиларим мен билан ёнма-ён фаолият кўрсатмоқда. Ҳар гал уларни кўрганимда кўнглим тоғдек кўтарилди.

Бугунгидек байрам кунлари менга алоҳида ҳурмат кўрсатилади, эъзозлашади. Шундай дамларда одамларга нафнинг тегаётганидан бахтиёр бўласан.

2014 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб номланиши бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият оқийди. Фарзандларимизнинг соғлом ўсиши, билим олиши учун кўлимдан келган барча ишни қилишга тайёрман...

«Соғлом бола йили» давлат Дастурини амалга оширишда 2014 йилга режалаштирилган жами харажатлар миқдори **4 509,2 млрд сўм** ва **302,9 млн долларни** ташкил қилмоқда.

Дастурда 60,1 мингта ўқув ўринга мўлжалланган 380 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа усуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт объектини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қиз 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Дастурда белгилангидек, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталик-

лари ташкил этилади. Шунингдек, мамлакатимиз етакчи тиббиёт муассасалари туманларда яшовчи 145 минг нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади.

Миллий бог. Хорижлик меҳмонлар кўзидаги хайратни, ҳавасни сезиш қийин эмас. Улар бизнинг асрий аъёнларимизни, байрамларимизни мароқ билан томоша қилмоқда, эътироф этмоқда.

Ўзбекистонда Наврўз ўзгача нишонланади

Убиража Вега да Сильва, Бразилия:

— Ўзбекистонда ишлаган пайтимда кўплаб байрамларда иштирок этганман. Юртингизда байрамлар ичида Наврўз ўзгача нишонланади. Шу кунга ҳамма байрамона либослар кияди, улар қувончини ҳис қилиш қийин эмас. Менга Наврўз таомлари жуда ёққан. Яна бир жиҳатни айтишим керак, ўзбекларга хос бўлган меҳмондўстлик, оқибат туйғулари ана шу байрамда янада ёрқинроқ кўринади. Дўстларим келтирган сумалак, кўк сомсалар ҳамон эсимда.

Шу пайтгача Наврўз ҳақида кўплаб китоблар, мақолалар ёзилган. Буюк Британиянинг «The Guardian» нашрида Пол Барлетт томонидан эълон қилинган мақолада Шаркона янги йил ҳақида кўплаб маълумотлар берилган:

— Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқандда Наврўз ўзгача нишонланади. Регистон майдони аjoyиб кўринишда безатилган. Миллий либос кийган йигит-қизлар ўзбек куй-қўшиқларини куйламоқда, рақсга тушмоқда. Мактаб ўқувчилари устозлари билан байрам дастурхонидида Наврўз таомларидан тановул қилишмоқда...

Миллий бог. Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган санъаткорлар ўз санъатларини намойиш этишмоқда. Майдонда йиғилган одамларнинг юзида табассум, навқирон ёшлар ўз қувонч ва шодликларини рақс билан ифода қилмоқда. Ха, Наврўз барча учун бирдай, барча учун тенг, барчага шодлик улашгани билан ҳам қадрлидир.

Янги иш ўринлари

Наврўз том маънода миллий кадр-иятларимиз, эзгу интилишларимиз ифодаланган байрам. Бу кун ўзаро яқинлик, меҳр-оқибат, ижтимоий бирдамлик туйғулари янада мустаҳкамланади.

Наврўз келиб, юрагимизда энг эзгу туйғулар жонланади. Беморлар ҳолидан хабар олиш, нуруний кексаларимизни йўқлаш, одамларга меҳр-эътибор улаштиш каби қадриятларимиз янада ёрқин намоён бўлади. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшиқлар йиғилиб, сумалак пиширади. Наврўз халқимизга хос бўлган ана шундай фазилатларини ўзида жамлаган байрамдир.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимизнинг умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўп дегандир.

Бундан ташқари, янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига эътибор янада кучаяди. Жорий йилда қарий бир

миллионга яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, меҳнат соҳасига қарий 500 минг нафар ёш йигит-қиз — 2-3 тадан мутахассислик ва иш кўникмаларини эгаллаган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Наврўз гоёси — партиямиз гоёси билан ҳамоҳанг

Рустам КАМИЛОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Наврўз кунлари ҳар бир одамнинг кўнглида фақат ахшилик, эзгу ниётлар, инсоний истаклар жўш уради. Ёрдამга эҳтиёжманд кишилар, кам таъминланганлар, жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинади, уларга соғалар улашиб, кўнгли сўралади. Наврўз байрамида баҳариландиган бу каби амаллар партиямиз илгари сураётган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, жисмоний имконияти чекланган кишиларга муносиб шароитлар яратиш бериш, янги иш ўринлари ташкил этиш каби гоёлар билан чамбарчас боғлиқ.

ЎзХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ўтган йилда ана шу эзгу мақсадларда бир қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ташаббус билан «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан ота-она қарамогидан маҳрум болаларнинг васийлик ва ҳомийликка олиш тартиблари демократик талаблар асосида такомиллаштирилди.

Шунингдек, 2013 йилда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашиларидаги партия гуруҳлари томонидан электорат вакиллари манфаатларини таъминлашга қаратилган 118 та масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилди. Қолаверса, минтақавий партия ташкилотлари томонидан шу мақсадда семинар-тренинг ва давра

мунавий уй-жойлар қурилиши кўзда тутилган.

Оналар орзуси ушалмоқда

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА, 44-оилавий поликлиника бош шифокори, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси,

— Она учун энг муҳими фарзандининг саломатлиги. Соғлом бола йили айнан оналар кўнглини кўтарган ташаббус бўлди. Шу боис жорий йилда тиббий хизмат сифатини янада ошириш, тиббиёт масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттирилади. Хусусан, 2014 йилда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 407 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади. Бу аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларни янги босқичга кўтарилади, деб ўйлайман.

Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган бу ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Хусусан, 14 ёшгача бўлган ўғил болаларда ўртача вазн 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Ўғил болаларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга, қизларнинг бўйи эса 2,9 сантиметрга ўсгани юртимизда чиндан ҳам соғлом авлод вояга етаётганидан далолат беради...

Ўтган йилда туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилди, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдэм кўрсатилди. Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллион сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди.

Миллий бог. Қўшиқ куйлаётган, рақс тушаётган, варрак учираётган бо-



сўхбатлари ташкил этилди. Бу ҳам фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ўзаро бирдамлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади, албатта.

От йили баракали бўлади

Икром ҚОРАТОВЕВ, «Қоратой Мирзаев» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Наврўз айёми вилоятимизнинг марказидан тортиб, туманлар, ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда, оилаларда катта шодимоналар билан кутиб олинмоқда. Кимдир янги уйга кўчган, кимдир тўй бошлаган, яна биров машина сотиб олган. Буларнинг барчаси ҳаётимизда бўлаётган юксак ўзгаришларни кўрсатиб турибди.

Ўтган йил фермер хўжалигимиз ғалладан 65 центнер, пахтадан 41 центнер ҳосил кўтариб, 85 миллион сўм соф фойда олди. Бу йилги режаларимиз ҳам катта. От йилда ҳар доим баракка, тўкинчилик бўлган. Буни баҳорнинг келишидан ҳам билсақ бўлади.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳақида гапирганда, аввало, йилдан йилга қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, аҳолининг турмуш даражаси юксалишига хизмат қилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларга эътибор қаратиш керак. Жорий йилда бу йўналишдаги ишлар янада кенгайтирилади. Хусусан, 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта на-

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ҳар томонлама соғлом ҳамда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар белгиланди. Айни кунларда барча вилоятларда ана шу қарор ижросига бағишланган форумлар, семинарлар ўтказилмоқда.

Пардабой ИСКАНДАРОВ, ЎзХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими етакчиси:

— Бугунги кунда сафимизда етти минг беш юз нафардан ортиқ йигит-қиз бирлашган. Кундан кунга уларнинг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқиши кучайиб борапти. Бугунги байрам кунларида ҳам қанотимиз аъзолари ташаббуси билан қатор тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Ёш сиёсатчи» клуби фаолияти ҳам мунтазам йўлга қўйилди. Айни кунларда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бошланғич партия ташкилотларида ўтказилмоқда.

Мен мамлакатимизнинг барча ёшларини Наврўзи олам билан табиқлайман.

Миллий бог. Байрам тантаналарига ташриф буюрган юртдошларимизнинг ҳар бирини байрамона қайғити. Буни уларнинг сўзларидан ҳам билса бўлади.

Хушнудбек ХУДАЙБЕРДИЕВ, Тошкент давлат юридик университети ўқувчиси, «Заковат» интеллектуал клуби аъзоси:

— Миллий богда ўтказиладиган Наврўз сайлида тўрттинчи бор иштирок этишим. Бу йилги байрам тадбирлари ҳар йилгидан ўзгача, ҳар йилгидан тароватли бўлди. Биласизми, байрам тадбирига келганларнинг кўзидаги қувонч, юзидаги табассум, қалблардаги хотиржамлик инъикоси эканлигини ич-ичимдан ҳис қилдим. Қалбда қачон хотиржамлик бўлади? Аввало, юрт тинч бўлса, турмуш обод, ҳаёт фаровон, дастурхон тўкин бўлса. Беҳисоб шукрлар бўлсинки, халқимизда буларнинг барчаси мавжуд.

Президентимиз байрам табригида биз ёшларга қарата Болаларим, сизлар бизнинг суянган тоғимизсиз. Сиздек ёшлари бор халқ ҳеч нарсадан қўрқмайди, дея мурожаат қилганлариди жуда ҳажжонландим...

Жорий йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратилди кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетлари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртлирининг янги ўқув бинолари ва ахборот ресурслар марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

2013 йилда эса мамлакатимизда 756 та таълим маскани, мусика ва санъат мактаблари, болалар спорт объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер сифлари, ўқув лабораториялари, устаноналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Шунингдек, ўтган йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта, фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаш, етуқ ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб беришига шубҳа йўқ.

Миллий бог. Куй-қўшиқ, лапару-ялалар авжида. Миллий рақс, миллий кадриятларимиз акс этган саҳна кўри-нишлари, саҳна безаклари ҳар қандай кўзни қувонтиради. Жажжи бола-жонлар жарангдор овоз ила айтган қўшиқлари қалбларни тўлқинлантиради.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин! Ҳар кунимиз эзгулик, бахт, иқбол, қувончга тўлсин. Наврўзининг муборак бўлсин! Қадамнинг қутлуғ келсин, Наврўз!

Темур АЪЗАМ, Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.



ТАДБИР

Баҳорнинг дастлабки кунларидан Фарғонанинг қиёфаси янада ёшарлиб кетди. Қўқлам нафаси дилларга қувонч бағишлади. Айниқса, шаҳардаги улкан иншоотлар, уй-жойлар атрофи ободонлашиб, гулларга бурканди. Санъат саройи, Болалар кўғирчоқ театри, «Нефтчи» стадиони, «Истиклол» мавзеси, «Мустақиллик» даҳасидаги ўнлаб ўзига хос лойиҳа асосида қуриётган кўп қаватли турар-жой биноларида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Аҳмад ал-Фарғоний номидаги боғ эса яна 5 гектарга кенгайиб, болажонлар учун кўксини очди.

Шукроналик ва эзгу ниётлар ифодаси



— Халқимизнинг обод ва фаровон турмуши, давлатимизнинг мустақамлиги ва тинчлиги учун ҳар қанча шукрона қилсак, фахрлансак арзийди, — дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли Комилжон Мамажонов**. — Фарғонамизнинг бетакдор чиройи, одамларимизнинг бахтиёр кайфияти ҳам ана шундан далолат.

Наврўз байрами шаҳарнинг қоқ марказидаги муҳташам ёзги амфи-театрда кўтаринки руҳда нишонланди. Унда вилоят фаоллари, илгор қорхоналар вакиллари, жамоатчилик, санъат, маданият, адабиёт номандалари, ёшлар иштирок этди. Саҳнада болажонларнинг қувноқ кўшиқлари, Фарғонача катта ашула, байнал-милал маданият марказларининг хаваскорлари ижро этган рақслар, марғилонлик қизиқиши ва аскиячиларнинг чиқишлари бири-бирига улашиб кетди.

— Бугун ич-ичимдан қувнаб рақсга тушдим, — дейди **Фермер Соҳиба Имомова**. — Ахир Наврўз — тинчлик, ахиллик, қувонч байрами-да. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Фарғонанинг барча шаҳар ва янги қиёфа касб этаятган қишлоқларида ҳам умумхалқ байрами кенг нишонланмоқда. Байрам тантанасидаги қўшиғу рақслар, одамлар чечрасидаги қувончу хаяжон, тилка ва истаклар замирида, аввало, мустақилликка, тинчликка шукроналик ётганини англайсан киши. Зеро, Наврўз тантаналари халқимиз қалбининг, ёруғ ниётларининг ифодасидир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хар кунимиз
Наврўз бўлсин!



Наврўз одамлар қалбида меҳр-оқибат, яхшилик, бирдамлик каби эзгу амалларни уйғотади. Шунинг учун ҳам бу байрамда кўпчилик қалби ўқисик, ўзгаларнинг эътибор ва кўмағига муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишга, уларнинг кўнглини кўтаришга, қувонч улашишга интилади.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими аъзолари пойтахтимиздаги 1-сон «Мурувват» ногирон болалар интернат уйида бўлиб, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан у ерда тарбияланаётган болалар билан учрашди.

— Наврўз кунлари интернатимиз ҳар қачонгидан гавжум бўлади, олижаноб, سخоватли инсонлар ташриф буюради, — дейди **болалар шифокори Нодира Сафарова**. — Муас-

сасамизда туғма ва ирсий касалликлар билан туғилган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Мамлакатимизда ҳомилининг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморлар ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериб, даволаш хизматларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Интернат уйида болалар соғлиқларини тиклайди, таълим олади ва касб ўрганади. Бу ерда компьютер саводхонлиги, тикувчилик, ошпазлик каби тўғарақлар ташкил этилган. Шунингдек, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратилган.

— Атрофимиздаги ёшлар билан маслаҳатлашиб, мана шундай байрам кунлари махсус мактаб интернатлари, Меҳрибонлик уйларига боришни мақсад қилгандик, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Дурбек Худойкулов**. — Интернат уйида болалар билан суҳбатлашдик, қизиқिशларини ўргандик. Кўриб турибмизки, бу ерда давлатимиз томонидан барча имкониятлар яра-

ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Биз яшайдиган Чирокчи туманидаги Лангар Ота қишлоғи Зарафшон тизма тоғларининг эстагида ястанган Қалқам водийси қишлоқларининг ўртасида, туман марказидан 45-50 км узоқликда жойлашган бўлиб, қадим-қадимдан зиёратгоҳ, тарихий обидаларга бой, табиат мўъжизалари бисёр гўша ҳисобланади.

ЙИЛБОШИ САЙЛИ

Лангар дарё ва бошқа кўллаб жилғали сойлар Қумдарёга қўшилиб, адоқдаги дашт-ни обод қилиб, Қашқадарёга қуйилади. Баъзи жиҳатлари билан қишлоқдан кўра шаҳарчага ҳам ўхшаб кетади. Қишлоқ марказидаги эски масжид ёнидаги мадраса ўтган асрнинг йигирманчи йилларигача ишлаб турган.

Бундан қирқ йил бурун қишлоқдошим Қаҳрамон бободан авваллари қишлоқда ўтказилган Наврўз байрамлари ҳақида ёзиб олгандим. У киши ёшлик пайтидаги Йилбоши сайли ҳақида кўрган-кечирганларини батафсил сўзлаб берганди. Хамал кирган кунни каттаю кичик Оқ масжид сайилгоҳига йиғиларди. Айнан ўша кунни деҳқонлар ер ҳайдагани, экин эккани чиқарди. Қишлоқ оқсоқоли сайилни бошлаб, энг кеска отахонни ёнига чақирарди. У кўм-кўк майсани, еру осмонни тўтиб айлаб, шукрона айтиб, ҳаммани дуо қиларди. Аввало, дастурхонга сумалак тортиларди. Кейин шўрва, палов, кўк сомсалар...

Эсимда, биз, болалар товўқ тухумини пишириб чиқиб, уриштиришга қизиқардик. Қизлар кўпинча «Пуға салой» уйинини ўйнашарди. Югуриш, баландликка, узунликка сакраш мусобақаларида 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма қатнашарди. Гирвой, Чуркес, Гилла кесди, Чиллак, Зувиллатлар ўйинларида

болалар ҳам, катталар ҳам бирдай иштирок этарди. Беллашувлар сўнггида, албатта, кураш мусобақаси ўтказиларди. Хар гузар қайвониси ўз полвонларини тўплаб, тарафма-тараф қилиб кураш туширарди. Полвонлар белбоғ, тўн ва чакмон кийиб олишарди. Сараланган голиблар бошқа қишлоқ мусобақаларига олиб кетиларди. «Йилбоши байрами»да ҳамма ташвишларни унутиб, ўйин-қулги қилишган.

Бизнинг болалик давримиз бўлмиш ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам ҳар йили Йилбоши байрами ўтказиларди. Беллашувлар жўшқин ва завқли бўлса ҳам, дастурхонлар анчайин фариб эди. Истиклолнинг дастлабки йилида илк Наврўз байрами вилоят миқёсида Лангар Ота қишлоғида бўлиб ўтди. Унда катта кўпқари ташкил этилиб, бош совринга туя қўйилганди. Ҳозирги байрамларнинг энг гўзал жиҳати йил давомида никоҳ тўйи бўлган янги келинчақларнинг «Келин салом» маросимини танлов даражасида ўтказилишидир. Шунингдек, гузарлар бўйича ташкил этиладиган таомлар кўриги жаннат дастурхонларини ёслатади. Фақат бизда сақланиб қолган «Лангар беш қарсағи»ни (рақсида фақат эркаклар) кўпчилик жўр бўлиб ижро этади. Оммавий югуриш мусобақаси, оммавий рақс танловлари ҳамманинг кўнглини тоғдай кўтаради.


Дарҳақиқат, ўзликни англаш қадриятларини англашдан бошланади. Наврўз халқимизнинг қадим аъёнларини ўзида мўжасам қилган қўлғу байрамдир. Шу боис у биз учун қадри ва мўқаддас ҳисобланади.

Ғози РАҲМОН,
ёзувчи, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Галлаорол туманида қадимий ва кадрли байрам — Наврўзи олам шарафига ўлмас қадриятларимиздан бўлган оммавий ҳашар ўтказилди.

Ҳамжиҳатлик ва ҳиммат



— Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ ишларда 43 минг нафардан зиёд киши иштирок этди, — дейди **туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ҳайитбой Абдуалимов**. — Боғу роғлар, хиёбонлардаги дов-дарахтларга шакл берилди, 500 минг тупга яқин каштан, эман, япон сакуриси каби манзарали дарахт кўчатлари, 3 миллион тупга яқин турфа хил гуллар экилди, 20 километрга яқин ариқ-зовурлар тозаланди, 150 тоннадан кўпроқ қурилиш ва маиший чинкиндилар чиқариб ташланди, 86 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди.

Шу кунни тумандаги маҳаллар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган 80 нафар ногирон ва қария, 210 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар ҳамда беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Уларга меҳр кўрсатилди, совға-саломлар улашилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Наврўзолди тадбирларда вилоят бўйича 600 нафар ёлғиз қария ва ногиронларга ёрдам ташкил қилинди.

Табиат янгиланаётган, яшарайётган бир паллада одамлар қалбида ҳам эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат каби олижаноб туғулар уйғонади. Жиззахда ўтган ҳашар, унда фар иштирок этган фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги, меҳнати ва ҳимматида бу яна бир бор намоён бўлди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Меҳр-оқибат туйғуси

юрақларга малҳам бўлади, кўнгилларни кўтаради

Наврўз одамлар қалбида меҳр-оқибат, яхшилик, бирдамлик каби эзгу амалларни уйғотади. Шунинг учун ҳам бу байрамда кўпчилик қалби ўқисик, ўзгаларнинг эътибор ва кўмағига муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишга, уларнинг кўнглини кўтаришга, қувонч улашишга интилади.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими аъзолари пойтахтимиздаги 1-сон «Мурувват» ногирон болалар интернат уйида бўлиб, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан у ерда тарбияланаётган болалар билан учрашди.

— Наврўз кунлари интернатимиз ҳар қачонгидан гавжум бўлади, олижаноб, سخоватли инсонлар ташриф буюради, — дейди **болалар шифокори Нодира Сафарова**. — Муас-

сасамизда туғма ва ирсий касалликлар билан туғилган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Мамлакатимизда ҳомилининг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморлар ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериб, даволаш хизматларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Интернат уйида болалар соғлиқларини тиклайди, таълим олади ва касб ўрганади. Бу ерда компьютер саводхонлиги, тикувчилик, ошпазлик каби тўғарақлар ташкил этилган. Шунингдек, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратилган.

— Атрофимиздаги ёшлар билан маслаҳатлашиб, мана шундай байрам кунлари махсус мактаб интернатлари, Меҳрибонлик уйларига боришни мақсад қилгандик, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Дурбек Худойкулов**. — Интернат уйида болалар билан суҳбатлашдик, қизиқिशларини ўргандик. Кўриб турибмизки, бу ерда давлатимиз томонидан барча имкониятлар яра-



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

тилган. Уларнинг саломатлигини тиклаши, ўқиши, спорт билан шуғулланиши учун маалаки мутахассислар жалб этилган. Интернатга келиб, келгуси фаолитимиз учун зарур хулосаларни чиқардик. Айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, ёш ота-оналарнинг тиббий маданиятини ошириш, ёш келин-қувғонларни тиббий кўриқдан ўтказиш-

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ

Республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган банк муассасаларига қарашли бўлган ҳамда фаолият кўрсатаётган махсус кассаларда аҳолидан коммунал ва бошқа тўловлар учун маблағлар қабул қилиш амалга ошириляётганлигини маълум қилади.

Тўловлар нақд пулда ҳамда нақд пулсиз амалга оширилади.



Ушбу коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш учун Сиз исталган кун, жумладан, дам олиш кунлари ҳам соат 08-00 дан 19-00гача банкнинг махсус кассасига мурожаат қилишингиз мумкин. Кўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

БАҲОР ИЛҲОМИ

Наврўз қасидаси

Лолаларга бурканиб дашт-далалар, Настирининг нафасидан дил яйрар. Булбул бўлиб бу дам жон куши сайрар, Сен халқимнинг шукронасисан, Наврўз.

Кириб келдинг туну кунинг баробар, Дарахтларни безаб сен моҳир заргар. Анбар олиб келдинг жаннатдан магар, Афсоналар афсонасисан, Наврўз.

Таралади сумалакнинг хушбўйи, Хар гўшада элимнинг базму тўйи. Меҳмон кутар дастурхон тузган кўйи, Янги йилнинг остонасисан, Наврўз.

Ғунчаларни аста силаб саболар, Ошиқ дилин ярасини даволар. Жилмаяди сув бўйида хулволар, Табиатнинг гулхонасисан, Наврўз.

Беморларга шифо берганинг гўзал, Хар кўнгилдан дуо терганинг гўзал. Барчани бир кўзда кўргангиз гўзал, Яхши ниёт қошонасисан, Наврўз.

Чаманларга буркаб ўнгу сўлимни, Абдугани дер: сен шеъри дилимингиз, Бахту саодати қулган элимнинг, Ярқираган пешонасисан, Наврўз.

Абдулгани СУЛАЙМОН



Санажар ШОПУЛАГАНОВ олган суратлар.

Ободлик кўнгилдан бошланади

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз тантаналари бўлиб ўтди.

...Маҳалла марказидаги янги бунёд этилган сунъий қопламали футбол майдонида болалар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Стол тенниси ишқибозлари ўзаро баҳslashмоқда. Байрам дастурхони атрофида меҳнат фахрийлари, ота-оналар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, туман ҳокимлиги вакиллари тўпланган.

Маҳалла марказидаги янги бунёд этилган сунъий қопламали футбол майдонида болалар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Стол тенниси ишқибозлари ўзаро баҳslashмоқда. Байрам дастурхони атрофида меҳнат фахрийлари, ота-оналар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, туман ҳокимлиги вакиллари тўпланган.

Наврўз ҳақидаги қўшиқлари оқшайлар билан кутиб олинди. Танқили шoir Шамсиддин Садоий ўқиган шеърлар ҳаммага манзур бўлди. Шундан сўнг навбат маҳалла болаларига берилди. Улар иштирокидаги лапар ва қўшиқлар байрамга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Президентимизнинг ободлик кўнгилдан бошланади, деган сўзлари бугун халқимизнинг ҳаёти мазмунига айланди, — дейди меҳнат фахрийси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДП фаоли Эгамназар Қодиров. — Бизнинг маҳалламиз шаҳримизнинг энг обод, энг кўркем гўшаларидан бирига айланиб бор-

мақда. Бу ерда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари бир-бирлари билан ахил-иноқ яшайди. Бугун байрам ўтказилаётган спорт майдони маҳалламиз болаларининг соғ-саломат улғайишида муҳим аҳамиятга эга. Наврўз арафасида маҳалламизда ўтказилган ҳашарда ариқларни тозаладик, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик. Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомилий ёрдами кўрсатилди. Ёлғиз кексалар ҳолдан хабар олинди...

Байрам барчага шодлик улашди, маҳалладошлар бир-бирларини байрам билан табриқлаб, эзгу ниятлар ихор этишди.

Ўз мухбиримиз.

Халқ улуғлаган, халқни улуғлаган байрам

Фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Жаббор ЭШОНҚУЛ билан суҳбат

— Халқимиз баҳорни, айниқса, Наврўзни ўзгача қайфиятда кутиб олади. Наврўз келиши билан далада дехқончилик, ободонлаштириш, кўчаларнинг янгилиниши ишлари бошланади. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериш каби эзгу фазилатлар намойён бўлади.

— Наврўз халқимиз тарихи, фалсафаси, орзу-умидининг ифодаси, миллат билан тараққий этиб келаётган, ҳар гал янгидан-янги қирраларини намойён этаётган қомусий айёмдир. Шунинг учун ҳам халқимиз бу байрамни эр қувонч, чексиз ҳаяжон, катта умидлар билан кутиб олади.

Наврўз бу шунчаки табиатнинг янгилиниши эмас, балки инсон руҳиятининг ҳам янгилинишидир. Наврўзга юзлашаётган инсон, бу энг аввало, ўз қалби билан юзлашаётган инсондир. Наврўзни англаш, ўзгиллигини англаш сари ташланган яна бир қадамдир.

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига «Барчамиз доимо орзиқиб кутадиغان ва катта хурсандчилик, шодийна билан ўтказадиган Наврўз байрамини биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз سخоватининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетаканор ифодаси бўлиб келмоқда» деган эди. Дарҳақиқат, Наврўз умуминсоний қадриятлар гултожиси, миллий аъналаримизнинг чинаяк намойиши, умумхалқ шодийнасининг ёрқин тимсолидир.

— Наврўз — инсон табиатни кашф этиш асносида ўз қалбини ҳам кашф этиш байрамидир.

— Наврўз қиш ва ёзнинг ўзаро курашуви ва қишнинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади, деган қараш бор. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида барча халқлар ўз маросимларида ана шу курашни тасвирлашга, ифо-

Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сий-сатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам

далашга интиланган.

Аждодларимиз тўрт фаслни эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, зулмат ва ёруғлик билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилишган. Фасллар алмашинуви ана шу икки кучнинг мунозарасидан иборат бўлиб, уларнинг қайси бири ғолиб бўлса, табиатда ўша тантана қилади, деб тушуниланган.

«Шоҳ мойлар», «Ашадарози», «Қозон тўлди», «Бойчечак» каби турли маросимлар, «Лайлак келди, ёз бўлди», «Кичкинажон-кичкина» каби ранг-баранг қўшиқлар замирида ана шу тушунчалар, тасаввурлар ўз ифодасини топган.

Кўклар келиб, қишнинг кетиши билан боғлиқ қарашлар «Бойчечак», «Ҳа-ю, читтигул» матида, «Кўпкари» ўйинларида ҳам сақланиб қолган.

Бу маросим ва ўйинларнинг айнан Наврўзда ижро этилишининг сабаблари бор. Чунки ушбу кунда қилинган тилаклар ва эзгу истаклар, албатта, рўёбга чиқади, деб ишонилган.

Қадимда кўкларнинг таркибий қисми бўлган бундай халқ ўйинлари кўнра тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша яшаб келаётганлиги халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканлигидан далолат беради.

Бу байрам ҳамма даврларда ҳам тинчлик, осойишталик, тотувлик,

дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббатнинг таронаси, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг тимсоли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

— Бу байрам халқимизнинг тарихи каби қадимий ва улугдир...

— Наврўз аънавалари, унинг ўтиш тартиби билан боғлиқ кўплаб оғзаки, ёзма ва тарихий манбалар мавжуд. Уларнинг бири иккинчисини инкор қилмайди, аксинча, тўлдирлади.

Хитойлик сайёҳлар Самарқанд ва Фарғонада ўтган Наврўз, умуман, Янги йилнинг кутиб олинishi ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Уларда айтилишича, Фарғонанинг одамлари Наврўзда иккига бўлиниб, бир-бирлари билан курашар экан. Сиртдан қараганда, бу тўқнашувдек кўринган ҳолат аслида аждодларимизнинг кўклар билан қиш тимсолидаги маросимий курашидир. Яна бир ўринда Фарғона халқининг Наврўз маросимида турли ҳайвонларни уриштиришлари айтилади. Бизда ҳозир ҳам кўчқор, хўроз уриштиришлар бор. Аслида бу томошалар оддийгина кўнгилхушлик эмас. Қадимда томошабилар уриштираётган ҳайвонларнинг бирини қиш, бошқасини ёз, деб жанг натижасидан йилнинг қандай келишини тахмин қилишган.

Бу айём Маҳмуд Қошғарий замонида ҳам, Амир Темури даврида ҳам эр тантана билан нишонланган. Фақат шўролар давридагина бу байрамни халқимизнинг хотирасидан ўчириб ташлашга уринишлар бўлди. Истиқлол оstonасида Юртбошимизнинг улкан сай-ҳаракатлари билан Наврўз яна қайта тикланди, янгица мазмун ва моҳият касб этди. Бунда қандайдир рамзий маъно бордек. Мана, йилгирма уч йилдирки, ҳаётимиз бу байрам билан ҳамоҳанг кечмоқда. Худди қўшиқларда кўйланганидек қиш чекиниб, зулмат ортада қолиб, қушши қунар келди. Миллатимиз учун янгилиниши, юксалиши

даври бошланди.

— Наврўзнинг руҳи ва фалсафаси ҳақида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёни мафкуравий таъжовулар авж олаётган бир пайтда инсоннинг ўзини, қалб кўрғонини асраб қолишнинг энг мақбул йўли умуминсоний қадриятларни сақлашда эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари «Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сийсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан» деган эди.

Мамлакатимизнинг турли худдаларида, катта-катта майдонларда Наврўзнинг кўтаринки руҳ билан нишонланиши юртдошларимизнигина эмас, дунё ахлини ҳам ҳайрат ва ҳавасига сазовор бўлмоқда.

Истиқлол давриданоқ Наврўз томошалари йилдан-йилга янгица мазмун ва моҳият касб этиб бораётганлиги мамлакатимизда эриштирилган улкан ютуқлардан далолат берса, иккинчи томондан халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти тобора юксалиб бораётганини аниқлатади.

Наврўз халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажакни ўзида мужассам этган, элимизнинг дунё маданиятида тугган ўрнини кўрсатиб турган айём бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳар гал уни нишонлаганимизда янгидан-янги қирраларини кашф этиб бораверамиз.

Айниқса, бу йил уни ўзгача шуқуқ ва тантана билан қарши олаемиз. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши, халқ сайли, қўшиқ, мусиқа, рақс ва халқ амалии санъати намойишларининг Наврўз билан ҳамоҳанглиги ҳаммамиз учун қувончлидир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бобур ЭШМҲУРОДОВ суҳбатлашди.

ЎзХДП БОШ МАҚСАДИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бойсун туманидаги «Умид» кичик корхонаси қошида кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалайдиган янги цех ишга туширилди.

Янги иш ўрни яратилди

Натижада 10 нафарга яқин йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Ишчи-хотимларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил қиладиган корхонада 2013 йилда 2 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кўзда тутилмоқда. — Қишлоққа саноатни олиб кириш аҳоли бандлигини таъминлаш қафолатидир, — дейди ЎзХДП Бойсун туман кенгаши раиси Омон Бобоев. — Биз аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминловчи бундай сай-ҳаракатлар тарафдоримиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. Ўз мухбиримиз.

Эълон «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧК 2014 йил 13 март куни ўтказилган савдолар натижасига кўра, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Қоғоз фабрикаси балансидаги д/р 01/463НВА бўлган «ПА3-3205» 5 050 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI ISHLAR BOSHQARMASI» ДУКнинг 2014 йил 12 мартдаги 2/1255-347-сонли хатига асосан д/р 01/896ҚСА бўлган «УА3-3151201» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизни яшариш ва янгилиниши айёми — НАВРЎЗ билан чин дилдан табриқлайди. Сизларга мустақкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаган ҳолда қуйидаги янги жозибатор омонат турларини таклиф этади:

- Миллий валютада:
 - «НАВРЎЗИНГ МУБОРАК» — муддати 12 ой;
 - «БАҲОР ИФОРИ» — муддати 24 ой;
 - «СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАМОЛИ» — муддати 2 ой;
 - «ЗИЁ» — муддати 1-3 ой;
 - «МАРҲУР ЮРТ ФАРЗАНДИ» — муддати 4 ой.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар буйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қўлайлик яратиш мақсадида, қуйидаги янги махсус юқори фойдали омонат турлари жорий қилинган:

- «ҚУЛАЙ ТЎЛОВ» — муддати 6 ой
- «ТЕЖАМКОР» — 1 йил муддатга
- «КОММУНАЛ» — муддати 24 ой

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

1. Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371)	150-77-21
2. Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371)	150-79-19
3. Андижон минтақавий филиали	(374)	222-23-72
4. Фарғона минтақавий филиали	(373)	229-70-91
5. Наманган минтақавий филиали	(369)	223-04-37
6. Бухоро минтақавий филиали	(365)	223-92-21
7. Самарқанд минтақавий филиали	(366)	210-02-49
8. Қашқадарё минтақавий филиали	(375)	771-04-26
9. Сурхондарё минтақавий филиали	(376)	770-83-72
10. Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(361)	224-22-15
11. Хоразм минтақавий филиали	(362)	227-48-15
12. Сирдарё минтақавий филиали	(367)	221-00-71
13. Жиззах минтақавий филиали	(372)	771-63-38
14. Навоий минтақавий филиали	(436)	770-27-97

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. E-mail: www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида! *Хизматлар лицензияланган.*

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi. Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

OB-ҲАВО 20-21 — 03. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+1 / +6	+11 / +16	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5 / +10	+13 / +18
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+3 / +8	+12 / +17
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+7 / +12	+15 / +20
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+3 / +8	+13 / +18
Тошкент шаҳри	+6 / +8	+15 / +17

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+17 / +13
Париж	+22 / +17
Москва	-2 / +4
Мадрид	+19 / +19
Пекин	+19 / +23
Канберра	+25 / +26
Рим	+21 / +21
Афина	+19 / +20
Токио	+15 / +13
Стокгольм	+8 / +13
Кейптаун	+23 / +27
Қоҳира	+28 / +28
Гавая	+28 / +28
Вашингтон	+15 / +15

Газетанинг навбатдаги сони 25 март, сешанба кунини чиқади.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 360 22072 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 00.25 Topshirilgan vaqti — 02.45

Sotuvda kelihtilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5